ALISHER NAVOIY NOMIDAGI
TIL VA ADABIYOT INSTITUTI

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ
ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ



Ozbek tili va adabiyoti

# ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ

Журналга 1958 йил январда
Ойбек асос солган

Бир йилда олти марта чиқади

5
2005

*Бош муҳаррир:*
Тўра МИРЗАЕВ
*Таҳрир ҳайъати:*
Абдурашид АБДУГАФУРОВ,
Эркин АЪЗАМОВ,
Баҳром БАФОЕВ,
Эрнст БЕГМАТОВ,
Маматқул ЖЎРАЕВ,
Наим КАРИМОВ,
Абдуваҳоб МАДВАЛИЕВ,
Неъмат МАҲКАМОВ (*бош муҳаррир ўринбосари*),
Низомиддин МАҲМУДОВ,
Бахтиёр НАЗАРОВ (*бош муҳаррир ўринбосари*),
Абдулла ОРИПОВ,
Эргаш ОЧИЛОВ (*масъул котиб*),
Нўъмон РАҲИМЖОНОВ,
Баҳодир САРИМСОҚОВ,
Эргаш УМАРОВ,
Абдуқодир ҲАЙИТМЕТОВ,
Шоназар ШОАБДУРАҲМОНОВ,
Иброҳим ҲАҚҚУЛОВ,
Азим ҲОЖИЕВ

ФАН

Тошкент
Ўзбекистон Республикаси ФА
«Фан» нашриёти
2005

O'zbek filologiyasi
fakulteti
KUTUBXONASI

## МУНДАРИЖА

### Адабиётшунослик


Ш. Ҳ а с а н о в. Истиқлол даври достонлари . . . . . . 3
У. Ж ў р а қ у л о в. Бадиий сўз структурасида мифологик компонентлар функцияси . . . 9
Қ. Э р г а ш е в. «Маҳбуб ул-қулуб»да анъана ва ўзига хослик . . . . . . 14
А. Т ў й ч и е в. «Қутлуғ қон» романида тарихий ҳақиқат ва бадиий талқин . . . . . . 19
Т. М и р з а е в, М. Ж ў р а е в. Ўзбек халқ насри тадқиқотчиси . . . . . . 23


### Тилшунослик


У. Р а ҳ и м о в. Тагмаъно ва пресуппозиция . . . . . . 29
Д. Н а б и е в а. Лексик сатҳда вариантлилик . . . . . . 33
Ж. Э л т а з а р о в. Тил трансформациологияси ҳақида . . . . . . 36


### Илмий ахборот


С. Ғ а н и е в а. Навоий ва Яҳъё Себак. . . . . . 41
И. А д и з о в а. Увайсий ижодида фард. . . . . . 44
М. Р а ж а б о в а. «Наср ул-лаолий»нинг яратилиши ва унинг қўлёзма манбалари . . . . 47
Ж. М а ҳ м у д о в. Алишер Навоий Паҳлавон Маҳмуд ҳақида . . . . . . 49
А. Б е к т о ш. «Маноқиби Шайх Нажмиддин Кубро» тўғрисида . . . . . . 52
Д. Ғ о й и п о в. «Ажойиб ул-осор» асари таржимаси хусусида . . . . . . 54
Н. С а ф а р о в а. Яна «Оқ теракми, кўк терак» ўйини генезиси ҳақида . . . . . . 57
Л. Х у д о й қ у л о в а. «Ойна кўрсатар» удумининг этнофольклорий талқини . . . . . . 60
А. С у л а н о в. Насриддин Афанди ва Алдаркўса образларининг муштарак илдизлари хусусида. . . . . . 63
З. А б д и р а ш и д о в. Туркистонда янги усул мактаблари. . . . . . 65
М. Д а в р о н о в а. Лирик кечинма ва фикр уйғунлиги. . . . . . 70
К. М а р қ а е в. Махсус белгилар билан боғлиқ этнонимлар. . . . . . 73
Ф. Э р г а ш е в. Каттақўрғон этноним ва этнотопонимларига доир. . . . . . 76
М. М и с л и д д и н о в а. Талаффузда тежамлилик. . . . . . 80
Н. М у р о д о в. Мирза Муҳаммад Маҳдихон. . . . . . 83
З. Ч о р и е в а. «Ўткан кунлар»даги мактубларда тасвирий воситалар. . . . . . 84
А. О м о н т у р д и е в. Мол суяклари билан боғлиқ эвфемизмлар. . . . . . 86
Б. Ж ў р а е в а. Мақол-матал типидаги паронимлар. . . . . . 88


### Муҳокама. Мунозара


М. С а ф а р о в. Тилшуносликдаги бир баҳсли қараш ҳақида. . . . . . 90
Э. У м а р о в. Луғат маълумотлари — ишончли манба. . . . . . 94


### Мерос


Олтин ёруқ. . . . . . 98


### Фанимиз заҳматкашлари


Т. М и р з а е в, М. Ж ў р а е в. Мақсуд Абдураҳимов. . . . . . 103
С. Р и з а е в. Иномжон Расулов. . . . . . 105


### Илмий ҳаёт


Матёқуб Қўшжонов. . . . . . 107
Ботирхон Валихўжаев. . . . . . 108
Тошпўлат Аҳмедов. . . . . . 109

нинг ёзма манбалар орқали Мовароуннаҳрга кириб келиши натижасида жанр, мазмун, қаҳрамонлар характеридаги яқинлик туфайли асл ўзбек латифаларидаги қаҳрамон номи аста-секин Насриддин Афанди номи билан алмаштирилган. Кейинчалик бу тўпламнинг оммавий нашрлари ўзбек халқи ўртасида асл ва таржима латифаларнинг кенг тарқалишига олиб келган. Натижада «латифа» термини ўз ўрнини «афанди» (апанди)га бўшатиб берган»[1].

Алдаркўсани ҳам Рамадан уруғидан ва Жонибек замонида яшаган деб талқин этилади. Эътиборли жиҳати шундаки, Алдаркўса Жонибекхон талаби билан ёлғон айтиб, қаҳрга йўлиққанида Жийрончa гувоҳликка ўтиб, унинг ёлғонининг ростлигини исбот қилган. Бу «Ёлғончи ва пардозчи» деб номланган ўзбек эртагига деярли мос келади. Алдаркўса билан боғлиқ яна бир қатор латифа, эртак ва нақлларнинг воқеалари, етакчи мотивларини ўзбек латифалари ва эртаклари орасида учратамиз. Бу ҳол, ўз навбатида, Ҳ. Зариф Насриддин Афанди образи ҳақида айтган фикрнинг Алдаркўса образи мисолида ҳам содир бўлганлигини кўрсатади. Яъни, қозоқ халқи ўртасидаги кўҳна латифа, кулги ҳикоя ва эртаклар Алдаркўса образи марказида жамланиб, сайқал топган. Алдаркўса латифалари, ҳикоят ва эртакларнинг ўзбек кулги латифа ва сатирик эртакларига уйғун келиши эса айни намуналарга асос бўлган мотив ва сюжетларнинг ҳар икки халқнинг муштарак ягона маданий-адабий манбадан баҳра олганлигини билдиради.

[1] Насриддин Афанди латифалари. Тошкент, 1969. 4-бет.

## ЗАЙНОБИДДИН АБДИРАШИДОВ

# ТУРКИСТОНДА ЯНГИ УСУЛ МАКТАБЛАРИ

XIX аср охирларида Туркистонда янги усулдаги мактабларнинг пайдо бўлиши миллий зиёлиларнинг шаклланиши ва ички Русиядан келган татар маърифатпарвар ва муаллимлари фаолиятлари билан боғлиқ. Туркистонда бевосита империянинг маҳаллий мактаблар борасидаги сиёсати амалиётчиси бўлган миллатчи шовинист Н. П. Остроумовнинг ёзишича, ўлкада биринчи янги усул мактаблари Фарғона вилоятида пайдо бўлиб, 1890 йилларнинг бошларига тўғри келади[1]. Бу мактаблар татар муаллимлари томонидан ўз миллатига мансуб болаларни ўқитиш мақсадида очилган эди. Шундай мактаблардан бири 1897 йили Андижонда, пахта тозалаш заводи қошида очилган[2].

Аслида, Туркистон ўлкасида биринчи усули жадид мактаби очилиши бевосита Исмоилбей Гаспринский билан боғлиқ. 1891 йилнинг кузида Русия Ички Ишлар Вазирлиги томонидан вазирликнинг масъул ходими Вашкевич мусулмон диний ташкилот ва мактабларида ўтказилиши мумкин бўлган ислоҳотлар тўғрисида маълумот олиш мақсадида Қримга юборилади. Вашкевич бу ҳақда маълумотнома тайёрлашни Гаспринскийга топширади. Гаспринский тез фурсатда маълумотнома тайёрлаб, унинг бир нусхасини Туркистон генерал-губернатори барон А. Б. Вревскийга, ўлкада мусулмон мактабларини ислоҳ қилиш ва янги усулни жорий қилиш таклифлари билдирилган мактуб билан юборади[3]. Гаспринский ушбу мактубда янги усулнинг моҳиятини баён

[1] *Қаранг:* Бендриков К. Е. Очерки по истории народного образования в Туркестане (1865–1924 годы). М., 1960. С. 252.

[2] Ўша ерда. 253-бет.

[3] *Қаранг:* Lazzerini E. J. Ismail Bey Gasprinskii and Muslim modernizm in Russia. 1878–1914. University of Washington. Ph.D., 1973. P. 30. Бу тадқиқотда К. Е. Бендриковнинг

қилар экан, шу пайтгача жорий 6 йиллик бошланғич таълимни икки, ҳатто бир ярим йилга тушириш, қолган муддатда рус тили ва маданиятини ўргатиш мумкинлигини, фақат уларни ўргатиш ерли зиёлилар қўлига топширилиши лозимлигини билдирди ва ушбу мактабларнинг ўлкада ташкил қилинишида ёрдам сўради[4]. Генерал-тебернатор мактубни ўрганиш учун ўша вақтда Тошкент ўқитувчилар семинарияси директори бўлган Н. П. Остроумов ва ўлка билимдони ҳисобланган В. П. Наливкинга топширади.

Н. П. Остроумов хат билан танишиб чиқиб, Гаспринскийнинг журъатига ҳайрон қолганлигини ва "...бу масаланинг Туркистон туб аҳолисига бевосита алоқаси йўқ, номаъмурий шахс томонидан муҳокама қилиниши йўл қўйиб бўлмайдиган иш», — дея таъкидлайди. Мактубда билдирилган фикрлар "...ўқув маҳкамаси учун ҳам, Туркистон ўлкасида маҳаллий маорифни ташкил этишда ҳам қўлланма сифатида қабул қилиниши мумкин эмас", деган хулоса беради[5]. В. П. Наливкин ҳам, ўз навбатида, маслакдоши Н. П. Остроумов фикрларини маъқуллаган ҳолда "Туркистонда ўқув соҳасида олиб бораётган сиёсатимизда Гаспринский каби бир одамнинг фикрларига рағбат қилинса, Рус ҳукумати бундан пушаймон бўлади", — деб таъкидлайди. «Гаспринскийга ишониб бўлмайди, чунки у ўзи чиқараётган "Таржимон" газетаси орқали рус сиёсатига қарши фикрлар билдирмоқда»[6], — деган сўзлар билан ўз хулосасини якунлайди. Генерал-губернатор юқорида берилган хулосаларга асосланиб, Гаспринскийнинг Туркистонда мусулмон мактабларини усули жадид мактабларига айлантириш таклифлари ифодаланган мактубини жавобсиз қолдирди[7].

Исмоилбей мактубига жавоб олмагач, ўзи Туркистонга йўл олди. Унинг сафари 1893 йилнинг ёз ойларига тўғри келди. Гаспринский Самарқандга келган вақтида ўша пайтда у ерда истиқомат қилаётган татар миллионери Абдулғанибой Ҳусаинов уни ўз уйига меҳмонга чақиради. Абдулғанибой Гаспринскийдан "...саёҳатингизни(нг) бир нишонаси ўлмоқ узра бу балдада (шаҳарда) усули савтияйи гўстармалисиз", — деб илтимос қилади. Гаспринский усулни ўргатиш учун 30–40 кун Самарқандда қола олмас эди. Шунинг учун ҳам "савқи муҳаббат ила саёҳат йўлдошлиғиға етишуб келмиш муаллим ва адиб ширвонли Мажидбек Ғанизода"ни Самарқандда қолиб, усул ўргатишини илтимос қилади. Мажидбек Ғанизода Самарқандда 40 кун қолиб, "бир мактабда усули савтияни(нг) муомала ва самаротини гўстармиш ва у замон тасҳили таҳсил (ўқишни енгиллатиш — З. А.) масаласидан бебаҳра ўлан туркистонликлар орасида "Мошинали мактаб, мошинали алифбо" ибораларининг зуҳурига боис ўлди". Лекин бу мактаб кўп вақт фаолият кўрсата олмади. "...Биз ожизларни(нг) ихтиёри хорижинда бўлинан сабаблара

---

юқорида номи келтирилган китобига таянилган ҳолда Туркистон генерал-губернаторини Н. О. Розенбах, деб тилга олинган. 1892 йилда ўлка генерал-губернатори барон А. Б. Вревский эди. Розенбах эса 1889 йили ўз вазифасидан озод қилиниб, ўша йили Петербургда вафот этади. Бир қатор туркиятлик мутахассислар (Меҳмет Сарой (Турк дунёсида тил ва маданият бирлиги. Истанбул, 1993. 35-бет), Нодир Давлат (Исмоилбей Гаспрали. Анқара, 1988. 63-бет) ҳам, ўз навбатида, Лаззеринининг диссертациясига таянган ҳолда ушбу хатони такрорлайдилар.

[4] Бу ҳақда тўла маълумот олиш учун қаранг: Исмоил Гаспринский. Туркистон генерал-губернаторига мактуб//Гулистон, 1995, 2-сон, 56–58-бетлар.

[5] *Қаранг*: Остроумовнинг жавоби//Гулистон, 1995, 1-сон, 42–43-бетлар.

[6] Lazzerini E. J. Ismail Bey Gasprinskii and Muslim modernizm in Russia. P. 31; Меҳмет Сарой. Турк дунёсида тил ва маданият бирлиги. 36-бет.

[7] Қосимов Б. Миллий уйғониш. Тошкент, 2002. 23-бет.

биноан биринчи Самарқанд мактаби чўқ давом этмади. Янги мактаб бокланди..."[8].

Гаспринский Боғчасаройга қайтди. Мактаб ёпилишига қарамай "нури маориф сўнмади, балки кул остинда ёна-ёна бир кун ортиқ сўнмамак узра оловланди"[9]. 1895–1901 йилларда Тошкентда тўртта усули жадид мактаблари ташкил қилинган эди[10]. Бундай мактаблар Туркистоннинг барча жойларида бирин-кетин очила бошлади. 1898 йили Хивада оренбурглик Муҳаммад Вафо ва мулло Абдураҳмон афандилар томонидан усули савтия мактаби очилди. Лекин бир ой давом этган фаолиятидан кейин "таассубнинг зиёда ўлдиғини англайиб,Урганч шаҳрина кетдилар ва у ерда усули савтия мактаби кушод этдилар". 1907 йилда эса Хива аҳолиси ўша вақт валиаҳд бўлган Исфандиёр тўрага арз қилиб, феврал ойида Қозондан Олимжон Барудий мадрасасидан икки муаллим чақиртирилди. Бу муаллимлар янги очилган "Мактаби Маҳрамий" ва «Мактаби жадид»га тайинландилар. Хива валиаҳди янги мактаблар очиш, уларни назорат қилиш учун бир нозир ҳам тайинлади. Юқоридаги мактаб ўқувчилари биринчи имтиҳон топширганларидан сўнг эса, Исфандиёр тўра яна Олимжон Барудий мадрасасидан бир муаллим чақиртириб, янги мактаб ташкил қилди. Мактаби Рушдия (ўрта мактаб – *З. А.*) очиш тараддуди бошланди.

Хивада очилган, юқорида номи келтирилган икки мактабнинг ўқувчилари очиқ имтиҳон топширганларидан сўнг, йиғилганлар яна икки муаллим таклиф қилиб, мактаб очишга аҳд қилишади. Янги мактаблар нозири Рамазон Муҳаммад Каримзода бу ҳақда барчага эълон қилди[11].

Хива хонлигининг бош вазири Саййид Исломхўжа ҳам хонликда "замона кўра илм ва маърифат нашрини даҳа зиёда кўриб, Хивая русча ва тоторча муаллимлар кетирмиш ва бир қоч адад усули жадида мактаблари очмишдир эди. Ўз масорифиндан бир мактаб бино қилдирди"[12]. "Таржимон"даги яна бир хабарда ушбу шахс борасида қуйидаги фикрларни учратамиз: "...Бир чўқ саналардан бери "Таржимон"и ўқиян Осиёйи Вусто умаросидан бири эди. ...Мактабларнинг ислоҳи хусусинда идорамиза мурожаат қилиб, нашр этдигимиз китоблардан буюк дасталар олдирмиш ва усули савтиянинг таъмим ва интишорина жиддий суратда тугинмиш эди"[13].

Валиаҳд Исфандиёр тўра тахтга ўтирганидан кейин ҳам янги усулдаги мактаблар очилишига ҳомийлик қилди. Русиядан чақиртирилган муаллим Мухтор Бакир сарой амалдорлари болаларига таълим берди. Авом болаларини ўқитиш учун ҳам яна бир мактаб ташкил қилинди[14]. Бу маълумотлардан кўриниб турибдики, Хива хонлигида усули савтия мактабларининг ташкили билан бевосита мамлакат бошида турган шахслар жиддий шуғулланганлар ва бир қанча мактаблар ташкилига бош-қош бўлганлар.

---

8 Муаллими шаҳир. "Таржимон" иловаси бўлган "Олами сибён" газетаси, 45-сон. Бу ҳақда яна: Маждбек Ғанизода. Таржимон, 1906, 15-сон; Исмоил Гасп-рали. Турк юрдчиларина. Турк юрди, 1-жилд, 1912, 8-сон, 237–238-бетлар; Шариф Б. Ғанибой Ҳусайинов ҳам фирмаси тарихи. Оренбург, 1913. 126–128-бетлар; Абдирашидов З. Туркистонда биринчи «усули жадид» мактаби//Магистратура талабаларининг илмий ишлари тўплами. Тошкент, 2003. 207–211-бетлар.

9 Муаллими шаҳир//Олами сибён. 45-сон.

10 Қосимов Б. Миллий уйғониш, 23-бет.

11 *Қаранг:* Хивадан мактуб//Таржимон, 1907, 47-сон.

12 Марҳум Саййид Исломхўжа//Таржимон, 1913, 187-сон.

13 Саййид Исломхўжа//Таржимон, 1913, 278-сон.

14 Бу ҳақда қаранг: Хива тамаддун йўлинда//Таржимон, 1914, 75-сон.

Бухоро амирлигида янги мактаблар очилиши Хива хонлигидан бир оз мураккаброқ кечди. Бухорода янги усул мактаблари 1906 йилда татарлар томонидан очилди. "Маълумингиз ўлдиғи узра Бухоройи шарифда учинчи санадан бери нўғойлар (Русияли турклар)нинг усули савтия мактаблари давом этмакда"[15], — дейилади Бухородан 1909 йилда "Таржимон"га юборилган бир мактубда. Гаспринский 1908 йили Туркистонга қилган иккинчи саёҳати вақтида Бухорога келди ва у ердаги зиёлилар билан учрашди. Шундай йиғилишларнинг бирида Бухорода янги усул мактаби очишга келишилди. Мактаб Бухоронинг марҳум амири Музаффариддин шарафига "Музаффария", деб номланди[16]. Гаспринский бу мактабга марҳум Музаффариддин номини беришни тавсия қилиши ҳам бежиз эмас. Бу билан у Бухоро амири Абдулаҳадхоннинг яна бир бор мактаблар ислоҳоти муаммосига назарини қаратмоқчи бўлган эди. Лекин бу ҳам амирга таъсир кўрсата олмади.

1908 йилда маҳаллий зиёлилар тарафидан бир тожик мактаби усули савтия мактабига айлантирилди. Мактаб бир йил тўла фаолият кўрсатганидан сўнг, ўқувчилар имтиҳон қилинди. Имтиҳонда қатнашган муфти Икром домулла бу мактабларни кўпайтириш кераклигини ва мамлакат хазинасидан молиялаштирилишини айтиб, Қушбегига мактуб йўллайди. Қушбеги Дониёлхўжа ҳам ушбу мактаб ва усул фойдали эканлигини тасдиқлайди. Бунинг оқибатида шу йилнинг ўзида 5-6 янги усул мактаблари очилиши мўлжал қилинади. Лекин мутаассиб дин уламолари муфти Икром домуллага қарши чиқиб, ушбу мактабни беркитиш йўлига тушадилар. "Бу мактаблар бидъат, хилофи шариат. Бунлари мутлақ бекламоқ лозим", — дея жар соладилар. Бугун Бухорода шов-шув кўтарилади. Қушбеги эса шов-шувни бостириш учун мактабни ёпишга фармон беради. Бунинг натижасида татар муаллимлари мактабларида таҳсил олаётган маҳаллий миллат болалари ҳам мактабдан чиқарилади.

Бухоро мутаассибларига қарата Гаспринский аччиқ сўзлар айтди. "Ёху! Ҳасади жоҳиллар. Тасҳили таҳсил ва муамалаи бишарики тасҳилий ҳаром дагилдир. "Робби яссир ва ла туассир" ("Роббим осон қилгин, қийинлаштирмагин" — *З. А.*) табшири жалиласининг самароти муқтазиясидадур. ...Умум сибёна ёзи ва машқ вермаси ҳаром дагилдир. Китобат нисфи илмдур, қоидасининг самаротидир. ...Эй фаҳмсизлар! Бунларнинг ҳаром ўлдиғини қайси оятда, қайси ҳадисда, қайси тафсирда кўрдингиз? Кўрлик, сўқирлик ва иноди шайтоний ила хўжаи туркистонийи сиёсатан мунқариз этдингиз. Бу кофи ўлмадимики, ҳозирда бутун дунё фан ва маърифат ила қайнадиқда миллати жоҳил, беҳунар, бемаориф қолдируб, мунқаризми этмак истаюрсиз. Эй риёкорлар! Шариат, шариат дею умарони олдатдиғингиз етишмаюрми? ...Фараз эдалимки, усули савтия, тасҳили таҳсил, китобат ва ҳисоб ҳаром ўлсун... Ўғлонлари қиз каби кийиндириб, ҳузурингизда, мажлисларда рақс этдирмак, қиз мақомида тиззалара ўтуртмоқ ва...мубоҳ ўлдиғини қайси оят ва ҳадис ила мусбат қилиб, одат жорий қилдингиз?"[17]. Хуллас, Бухорода янги усул мактаблари жуда катта курашлар, мужодалалар эвазига очилди. Мактаб очганларни "кофир", "даҳрий" деб, бугун халқнинг назаридан қолдиришга ҳаракат қилинди.

Самарқанд шаҳрида 1893 йили очилган биринчи намуна мактаби "зуҳури ибтидосидан чанд саналар сўнгра уламои киромдан муфти

---

[15] *Қаранг:* Бухоро мактублари//Таржимон, 1909, 40-сон.

[16] А й н и й С. Бухоро инқилоби тарихига материаллар. М., 1926, 32-бет; Т у р - л и е в Ш. Гаспринский и Средняя Азия//Культура Центральной Азии, 2001, № 6.

[17] Бухорои шариф//Таржимон, 1910, 17-сон.

Маҳмудхўжа Беҳбудхўжа ўғли, тужжори мўътабардан Боязидўф жаноблари ва ерли ганжлардан мулла Абдулқодир Шакурий афандиларнинг ҳиммати маорифпарвароналари соясинда иккинчи янги мактаб таваллуд этди"[18]. Бу Абдулқодир Шакурийнинг мактаби эди. Гаспринский бу мактабни "мужоҳид, фидойи мактаб"[19], — деб таърифлади. 1901 йили самарқандлик шоир Сиддиқий Ажзий ҳалвойи қишлоғида янги усулда мактаб очди[20]. Самарқандлик Саййид Аҳмад Васлий эса ўзи очган мактаб ҳақидаги хабарни "Таржимон"га юборди[21].

Қўқонда биринчи усули жадид мактаби 1900 йили 11 февралда муаллим Салоҳиддин афанди томонидан очилди. Мактаб 10 йил фаолият кўрсатди ва 1910 йили ҳукумат томонидан ёпиб қўйилди[22]. 1912 йили «Муҳаммадия» номли янги усул мактаби очилиб, унинг 9 банддан иборат низомномаси Гаспринскийга юборилди[23]. Фарғона вилоятида янги усул мактаблари йил сайин ортиб, 1914 йилда биргина Қўқон шаҳрида 23 та усули савтия мактаби бор эди. Шаҳар қозиси Камолиддин ҳазратлари шаҳар бозорида 3 минг рубл сарфлаб, янги мактаб биноси қурдирди. Шунингдек, шаҳарнинг бир қанча бойлари янги мактабларни моддий жиҳатдан қўллаб туришган[24].

Тўрақўрғонда Исҳоқхон Ибрат 1886 йилдаёқ эски мактабларга нисбатан бирмунча илғор бўлган мактаб очди. Иккинчи марта 1907 йилда эски мактаблардан тубдан фарқ қилган, қишлоқ болалари учун бепул янги усули савтия мактаби очди[25]. Чустда Муҳаммадшариф Сўфизода 1913 йили янги усулда мактаб очди. Шоир мактабга кираверишда "мен ул бўёқчиманки, мактаб хумида ранг бериб, қора чапаниларни ўн икки ойда оқ қиламан", деган сўзларни ёзиб қўйган[26].

Тошкентда илк бор усули жадид мактаби 1901 йили Мунавварқори Абдурашидхонов томонидан очилди[27]. У ушбу мактабни қримлик дўсти раис Кушод ёрдамида ўз ҳовлисида очди[28]. Мактаб 1904 йилгача фаолият кўрсатди. Янги усул мактаблари дин раҳнамоларининг қаттиқ қаршилигига учраётгани сабабли Мунавварқори иккинчи янги усул мактабини 1905 йили шаҳарнинг рус қисмида очишга мажбур бўлди. 1904 йили Абдулла Авлоний Мирободда мактаб очади[29]. Авлоний: "1904 йилда жадидчилар тўдасида ишлай бошладим. "Жадид мактаби" очиб, ўқитувчилик қила бошладим. Муллалар жадидчиларни мунофиқ, муфсид, зиндиқ, даҳрий сўзлари билан халқ орасинда пропаганда ва агитация қила бошладилар[30]", — деб ёзади. Мактаблар очилишига расмий ҳукумат ҳам тиш-тирноғи билан қаршилик қилди. Мунавварқори ва Авлонийларнинг мактаб очиш учун берган аризалари бир неча маротаба

---

[18] Муаллими шаҳир//Олами сибён, 1910, 45-сон.

[19] Ўша ерда.

[20] Қ о с и м о в Б. Маслакдошлар. Тошкент, 1994. 47-бет.

[21] Самарқанддан мактуб//Таржимон, 1913, 75-сон.

[22] Туркистон вилоятинда усули жадид тарихи//Шўро, 1913, 23-сон. 717-бет; Идорая мактуб//Таржимон, 1913, 133-сон.

[23] Идорая мактуб//Таржимон, 1912, 94-сон.

[24] Миллий матбуотимиз. Иқбол//Таржимон, 1914, 51-сон.

[25] И б р а т. А ж з и й. С ў ф и з о д а. Танланган асарлар. Тошкент, 1999. 32-бет.

[26] Ўша ерда. 212-бет.

[27] Б е н д р и к о в К. Е. Очерки по истории народного образования в Туркестане. С. 256.

[28] Ўзбекистоннинг янги тарихи. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида. Тошкент, 2000. 260-бет.

[29] А б д у л л а А в л о н и й. Танланган асарлар. Икки жилдлик. 10-жилд. Тошкент, 1998. 6-бет.

[30] А в л о н и й А. Таржиман ҳолим//Миллий уйғониш ва ўзбек филологияси масалалари. Тошкент, 1993. 109-бет.

рад қилинган ва охир-оқибат генерал-губернатор розилиги билан очишга рухсат берилган[31]. Мунавварқори ўз мактабида етиштирган шогирдлари билан тез фурсатда янги усул мактаблар сонини 16 дан оширди[32]. 1917 йил феврал воқеаларига қадар Туркистонда 92 та усули жадид мактаби рўйхатга олинган эди[33].

Туркистонда янги усул мактабларини очиш осон кечмади. Бир томондан, мусулмон мутаассиблари, иккинчи томондан, маҳаллий рус маъмурлари тўсқинлик қилдилар. Мустамлака маъмурияти бу ҳаракатга қарши рус-тузем мактаблари фаолиятини кучайтиришга киришди. Бу вазифага Саидрасул Саидазизов лойиқ, деб топилди ва унга дарслик ёзиш вазифаси юклатилди. Унинг рус-тузем мактаблари учун тузилган "Устоди аввал" дарслиги 1902 йили нашр қилинди. Дарсликка рус муаллифларининг асарларидан кўплаб таржималар киритилди[34]. Мутаассибчи дин вакиллари эса "ҳар ким боласини усули жадидга берса, ўзи кофир, хотини талоқ бўлишини"[35] халққа эълон қилдилар.

Шундай бўлишига қарамай, усули жадид аста-секин ўз йўлини топа бошлади ва ривожланди. Бу билан бир вақтнинг ўзида янги мактаблар учун дарсликлар, қўлланмалар ҳам ёзила бошланди. Айниқса, Беҳбудий янги мактабларни дарслик ва ўқув қўлланмалар билан таъминлашда жонбозлик кўрсатди[36]. 1909 йили Бухорода дарсликлар чоп этиш ва тарқатиш мақсадида "Ширкати Бухоройи шариф" тузилди[37]. 1901 йилдан 1917 йилга қадар ўнлаб дарсликлар яратилди ва ўқув жараёнига татбиқ қилинди. Америкалик олим Алиб Холид ушбу вақт оралиғида яратилган 88 китоб ва дарсликлар номини келтиради.

Хуллас, усули жадид дарсликларига бир кўз ташлашнинг ўзи ҳам ўлкага янги типдаги мактаблар кириб келиши тасодифий эмаслигига бир далил. Дарсликларнинг тили муаллифлар қайта-қайта таъкидлаганларидек, "Туркистон шевасида", "энг осон усул ила" "тадрижий суратда", "очиқ тил ва осон таркиб ила" ёзилган эди[38].

---

[31] Қаранг: Бендриков К. Е. Очерки по истории народного образования в Туркестане. С. 257.

[32] *Қаранг:* Сарой М. Турк дунёсида тил ва маданият бирлиги. 45-бет.

[33] Бендриков К. Е. Очерки по истории народного образования в Туркестане. С. 261.

[34] Ўзбекистоннинг янги тарихи. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида. 270-бет.

[35] Қосимов Б. Маслакдошлар. 53-бет.

[36] Ўша ерда. 11-бет.

[37] Ўша ерда. 73-бет.

[38] Қосимов Б. Миллий уйғониш. 27-бет.

## М. ДАВРОНОВА

## ЛИРИК КЕЧИНМА ВА ФИКР УЙҒУНЛИГИ

Лирик кечинманинг таркибини фикр ва ҳис ташкил этади. Фикр ва ҳис муносабатини В.Г.Белинский шундай талқин этади: «Шеъриятда фикр нима? Ушбу саволга қониқарли жавоб бермоқ учун ҳис нима, деган масалани ҳал қилиш зарур. Ҳиссиёт, ўзининг этимологик маъносига кўра, танимиз, жисмимиз, қонимизга тегишли. Ҳис ва сезгиларнинг ўзаро тафовути шундаки, кейингиси танимизда бирор моддий жисм таъсирида қўзғолган жисмоний сезги. Шу сабабли ҳам қандайдир ҳисоб-китоб ёки қуруқ мулоҳазалар билан машғул бўлган одам ҳиссиётидан тўлқинланиб, ларзага тушаркан, қўлини кўкраги ёки юрагига маҳкам босиб олади. Чунки кўкрагида нафаси бўғилади, чунки кўкраги қисади, кенгаяди, ёнади ва совқотади, чунки юраги орзиқади, титрайди,